

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ

**32 Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар кириши, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини ўқотган деб топиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2015 йил 17 ноябряда қабул қилинган

Сенат томонидан 2015 йил 3 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «**Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида**»ги 1006-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 50-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда, № 10, 536-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда) **14-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Миллий мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари ёки бошқа давлатларнинг «Ўзстандарт» агентлиги томонидан эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари божхона юк декларацияси билан биргаликда аризачи (маҳсулот етказиб берувчи) томонидан божхона органларига тақдим этилади ҳамда ушбу ҳужжатлар маҳсулотни тегишли божхона режимига жойлаштириш учун асос бўлади.

Олиб кирилаётган маҳсулотнинг хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаган тақдирда, божхона органлари уни сертификатлаштиришдан ўтказиш тўғрисидаги масала ҳал этилгунига ёки чет эл сертификати миллий сертификатлаштириш тизими қоидаларига мувофиқ эътироф этилмагунига қадар бундай маҳсулотни тегишли божхона режимига жойлаштиришга йўл қўймайди, бундан вақтинча саклаш ва божхона омбори божхона режимлари мустасно».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда,

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2016 йил 21 январда эълон қилинган.

№ 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

- 1) **227<sup>2</sup>-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги «63-модда»** деган сўзлар «224-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 2) **227<sup>3</sup>-модданинг диспозициясидаги «61-моддасида»** деган сўзлар «218-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Энергиядан оқилона фойдаланиш тӯғрисида»**ги 412-I-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 118-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 423-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда) **19-моддасига** куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**биринчи қисм** куйидаги мазмундаги **биринчи ва иккинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Энергиядан оқилона фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти юридик ва жисмоний шахсларга:

энергиядан фойдаланиш самарадорларгини анча оширадиган махсус асбоб-ускуналар, асбоблар ва материалларни импорт қилишда божхона божлари ва солиқлар бўйича;

ўз ваколатига мувофиқ бошқа масалалар бўйича имтиёзлар беради.

Энергиядан оқилона фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Хукумати юридик ва жисмоний шахсларга:

энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги аниқ мақсадга қаратилган

миллий, тармок ва минтақавий дастурлар ҳамда лойихаларни давлат имтиёзли кредитлари ҳисобидан молиялаштириш бўйича;

тармоқлараро илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириш, энергия жиҳатидан самарадор асбоб-ускуналарнинг тажриба туркумларини ишлаб чиқариш бўйича;

ўз ваколатига мувофиқ бошқа масалалар бўйича имтиёзлар беради»;

**иккинчи — тўртинчи қисмлар** тегишинча **учинчи — бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майда қабул қилинган **«Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида»**ги 213-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 82-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда) **16-модда-сининг биринчи қисмидаги «божхона юк декларацияси»** деган сўзлар «товарнинг кузатув хужжатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Қўйидагилар ўз кучини ўқотган деб ҳисоблансин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган **«Бож тарифи тўғрисида»**ги 470-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 228-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган **«Бож тарифи тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»**ги 471-I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 229-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»**ги 548-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 2, 36-модда);

4) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»**ги 548a-I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 2, 37-модда);

5) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 681-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 181-модда) **XVIII бўлими;**

6) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 832-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 229-модда) **XXII бўлими;**

7) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айrimларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги 175-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 23-модда) **I бўлимининг 21-банди**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 220-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 89-модда) **XIV бўлими**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 320-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 20-модда) **X бўлими**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 405-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 165-модда) **XII бўлими**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 447-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 8-модда) **XV ва XVII бўлимлари**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 482-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 67-модда) **XXI ва XXIV бўлимлари**;

13) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 568-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **XVI бўлими**;

14) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 621-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 5, 90-модда) **XIII бўлими**;

15) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айrim қонун ҳужжат-

**ларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги 714-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда) I бўлимининг 37 ва 40-бандлари;**

16) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 апрелда қабул қилинган «**Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари турлари қисқартирилганлиги ҳамда соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-28-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) **4-моддаси**;**

17) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган «**Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-59-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) **21-моддаси**;**

18) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 12 июлда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-101-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 322-модда);**

19) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-112-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 419-модда);**

20) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 28 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги ЎРҚ-138-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда) **6-моддаси**;**

21) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 109-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-142-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 178-модда);**

22) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 апрелда қабул қилинган «Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-143-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 179-модда) **1-моддаси**;

23) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 10 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Инсон ҳукуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-209-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 4, 136-модда) **3-моддаси**;

24) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрда қабул қилинган «Баҳолаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-257-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 337-модда) **7-моддаси**;

25) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрда қабул қилинган «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2011 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-274-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 474-модда) **2-моддаси**;

26) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-343-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 334-модда) **2-моддаси**;

27) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-345-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 336-модда) **7-моддаси**;

28) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-352-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда) **25-моддаси**;

29) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрда қабул қилинган

32-модда

— 220 —

3 (I)-сон

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги ЎРҚ-355-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 10, 263-модда) **18-моддаси**;

30) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-365-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 1, 2-модда) **13-моддаси**;

31) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-381-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 343-модда) **13-моддаси**.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 20 январь,  
ЎРҚ-401-сон